

УЧИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ****115 Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ автототранспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 12-модда) билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 24 февраль,
49-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 24 февралдаги 49-сон қарорига
ИЛОВА

**Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбек тилидаги матннинг 2-бандидаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси» ва «ЙХХ бош бошқармаси» сўзлари тегишли равишда «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати» сўзлари ва «ДЙХХХ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

2. 4-бандда:

а) ўзбек тилидаги матннинг биринчи хатбошидаги «ЙХХ бош бошқармаси» сўзлари «ДЙХХХ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

б) иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига, халқаро (давлатлараро, ҳукуматлараро) ташкилотлар ва уларнинг ваколатхоналарига, шунингдек ушбу ваколатхоналар ва ташкилотларнинг ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига қарашли бўлган автотранспорт воситалари ва уларга тиркамалар ушбу Низомга мувофиқ умумий асосларда техник кўриқдан ўтказилади».

3. Ўзбек тилидаги матннинг 5-банди олтинчи хатбошидаги, 8, 10, 14-бандлардаги, 16 ва 18-бандларнинг иккинчи хатбошидаги, 21, 27, 29-бандлардаги «ЙХХ бош бошқармаси» сўзлари «ДЙХХХ» сўзи билан алмаштирилсин.

4. Ўзбек тилидаги матннинг 6-банди олтинчи хатбошидаги, 9-банднинг биринчи хатбошидаги, 19-банддаги «ЙХХ бош бошқармасининг» сўзлари «ДЙХХХнинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 15-бандда:

а) ўзбек тилидаги матннинг тўртинчи ва олтинчи хатбошилардаги «ЙХХ бош бошқармаси» сўзлари «ДЙХХХнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) ўзбек тилидаги матннинг бешинчи хатбошидаги «ЙХХ бош бошқармаси» сўзлари «ДЙХХХ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

6. 22-бандда:

а) ўзбек тилидаги матннинг биринчи хатбошидаги «ЙХХ бош бошқармасининг» сўзлари «ДЙХХХнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар қўшилсин:

«газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларига ўрнатилган газ баллонларининг амалдаги давлат стандартларига мослиги ҳақидаги сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификати нусхаси;

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг газ баллонларини

синовдан ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси мавжуд бўлган ташкилот томонидан газ ёнилғисидида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг газ баллонлари синовдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатнома нусхаси».

7. 28-бандда:

а) ўзбек тилидаги матннинг учинчи хатбошидаги «ЙХХ бош бошқармасининг» сўзлари «ДЙХХХнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) ўзбек тилидаги матннинг тўртинчи хатбошидаги «ЙХХ бош бошқармаси» сўзлари «ДЙХХХ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

8. 30-бандда:

а) қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар қўшилсин:

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг газ баллонларини синовдан ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси мавжуд бўлган ташкилот томонидан газ ёнилғисидида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг газ баллонлари синовдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатнома;

сертификатлаштириш органи томонидан берилган газ ёнилғисидида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларига ўрнатилган газ баллонларининг мувофиқлик сертификати нусхаси»;

б) олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

9. Ўзбек тилидаги матннинг 31-бандидаги, 38-банднинг биринчи хатбошидаги, 43 ва 45-бандларидаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати» сўзлари «ДЙХХХ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

10. Ўзбек тилидаги матннинг 33 ва 46-бандларидаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати» сўзлари «ДЙХХХ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

11. 34-бандидаги «давлат рақами» сўзлари «давлат рўйхатидан ўтказиш рақами» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. 35-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Газ ёнилғисидида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларини техник кўздан кечиришда газ баллонларининг фойдаланиш муддати, ишлаб чиқарилган йили, завод рақами, газ баллонларини синовдан ўтказиш муддатлари, газ баллони анжомларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги ҳам текширилади».

13. 37-бандда:

а) биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«37. Техник кўриқдан ўтган транспорт воситаларига тегишли далолатнома тузилади (3, 4 ёки 4а-иловалар)»;

б) ўзбек тилидаги матннинг иккинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати» сўзлари «ДЙХХХ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

14. 44-бандда:

а) қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Техник кўрикдан ўтказишда ДЙҲХХ органлари томонидан техник жиҳатдан носоз деб топилган транспорт воситасининг, шунингдек техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари камчиликлар ва носозликлар бартараф этилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ечиб олинади»;

б) иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) ўзбек тилидаги матннинг тўртинчи хатбошидаги «кўп бўлмаган» сўзлари «ортиқ бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Низомга 1-иловада:

а) «Берилган вақти 200__ йил «__» _____» сўзлари «Берилган вақти 20__ йил «__» _____» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) ўзбек тилидаги матнда:

илованинг номидаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати» сўзлари «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

илова матнидаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати» сўзлари «ДЙҲХХ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

16. Низомга 2-иловада:

а) «давлат рақами» сўзлари «давлат рўйхатидан ўтказиш рақами» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) ўзбек тилидаги матнда:

изоҳдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати» сўзлари «ДЙҲХХ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

«200__ й.» сўзи «20__ й.» сўзи билан алмаштирилсин.

17. Низомга 3-илова қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Транспорт воситаларини мажбурий
техник кўриқдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**Транспорт воситалари гуруҳини мажбурий
техник кўриқдан ўтказиш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тузилган санаси: 20__ йил «__»_____
20__ йил «__» _____дан 20__ йил «__» _____гача _____
(юридик шахснинг номи)

_____га қаршли транспорт воситалари гуруҳи техник кўриқдан
ўтказилди.

Т/р	Транспорт воситасининг тури	Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами	Маркаси	Ишлаб чиқарилган йили	Агрегатлар рақами			Техник ҳолати, носоз транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш тувоҳномаси олиб қўйилганлиги ва давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари ечиб олинганлиги тўғрисидаги белги	Изоҳ: бензин, дизель ёнилғиси, сиқилган табиий газда ёки суюлтирилган нефть газида ишлайди
					двигатель	кузов	шасси (рама)		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.									
2.									
...									

Юридик шахс ҳисобидаги (балансидаги)
транспорт воситалари сонини
тасдиқлаймиз:

Корхона раҳбари _____
(имзо, Ф.И.О.)

Рўйхатда кўрсатилган транспорт
воситалари ЙҲХ РЭО (МРЭО, РЭП)
ҳисобга олиш маълумотлари билан
таққосланган

РЭО (МРЭО, РЭП) ходими _____
(лавозими, ДИҲХХ органи номи, унвони, Ф.И.О.)

Бош бухгалтер (бухгалтер ёки ҳисобни
юритувчи шахс) _____
(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

М.Ў.

Ташкилот ҳисобида ҳаммаси бўлиб ___ автомобиль, ___ тиркама, ярим тиркама ва ___ мототранспорт воситалари мавжуд, улардан ___ автомобиль, ___ тиркама, ___ ярим тиркама ва ___ мототранспорт воситалари техник кўриқка қўйилган.

___ автомобиль, ___ мототранспорт воситаси, ___ тиркама, ярим тиркама мукамал таъмирлашдалиги ва ___ автомобиль, ___ мототранспорт воситаси, ___ тиркама ва ярим тиркама хизмат сафаридалиги туфайли ___ автомобиль, ___ мототранспорт воситалари, ___ тиркама, ярим тиркама техник кўриқдан ўтмади.

Текширилган автомобиллардан ___ автомобиль, ___ мототранспорт воситалари, ___ тиркама, ярим тиркама техник жиҳатдан носоз деб топилди.

Шу жумладан:

___ та транспорт воситасининг тормоз системасида;

___ та транспорт воситасининг руль бошқарувида;

___ та транспорт воситасининг ташқи ёритиш приборларида носозлик мавжудлиги;

___ та транспорт воситасида фойдаланиш учун яроқсиз автошиналар мавжудлиги;

___ та транспорт воситасининг ишланган газида зарарли моддалар мавжудлиги ва уларнинг тутунлиги белгиланган нормалардан ортиқчалиги аниқланди.

Ҳисобдаги автомобиллардан ___ таси бензин ёнилғиси билан, ___ таси дизель ёнилғиси, ___ та суюлтирилган газ, ___ таси сиқилган газ билан ишлайди.

Бензинда ишлайдиган текширилган ___ та автомобилдан ___ таси, дизель ёнилғисида ишлайдиган ___ тасидан ___ таси, сиқилган табиий газида ишлайдиган ___ си ва суюлтирилган нефть газида ишлайдиган ___ дан ___ таси носоз деб топилди.

(лавозими, ДЙХХХ органининг номи, унвони, Ф.И.О., имзо)

Далолатнома нусхасини олдим:

Юридик шахс раҳбари _____

(Ф.И.О., имзо)».

18. Низомга 4-иловада:

а) «Тузилган санаси: 200__ йил «__» _____» сўзлари «Тузилган санаси: 20__ йил «__» _____» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «давлат рақами» сўзлари «давлат рўйхатидан ўтказиш рақами» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) ўзбек тилидаги матнда «Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати» сўзлари «ДЙХХХ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

19. Низомга қуйидаги мазмундаги 4а-илова қўшилсин:

«Транспорт воситаларини мажбурий
техник кўриқдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4а-ИЛОВА

**Газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган алоҳида
транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тузилган санаси: 20__ йил «__» _____

_____ (ДЙХХХ,

_____ мансабдор шахснинг лавозими, унвони, Ф.И.О.)

томонидан техник кўриқдан ўтказилди.

- | | |
|--|---|
| 1. Транспорт воситасининг маркаси,
моделли _____ | 6. Шасси (рама) рақами _____ |
| 2. Тури _____ | 7. Двигатель рақами _____ |
| 3. Ранги _____ | 8. Кузовнинг рақами _____ |
| 4. Ишлаб чиқарилган йили _____ | 9. Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги
гувоҳномаси (техник паспорт)нинг
серияси, рақами _____ |
| 5. Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами
белгиси _____ | 9а. Газ ёнилғиси тури _____
<small>(суюлтирилган газ, сиқилган газ)</small> |
| 9б. Газ баллони ишлаб чиқарилган йил
_____ | 9в. Газ баллони рақами _____ |
| 9г. Газ баллонидан фойдаланиш муддати
_____ | 9д. Газ баллони синовдан ўтказилган
сана _____ |

9е. Газ баллонини навбатдаги синовдан ўтказиш санаси _____

10. Транспорт воситасининг тегишлилиги _____

(юридик шахснинг тўлиқ номи,

_____ яқка тартибда эғалик қилувчининг Ф.И.О.)

11. Турган жойи (яшаш жойи) _____

115-116-моддалар

— 16 —

11 (511)-сон

12. Қуйидаги техник носозликлар аниқланди _____

13. Автошинанинг ҳолати _____

14. Радиотўсиқни бартараф этиш учун мослама мавжудлиги _____

15. Спидометрнинг ҳолати _____

16. Техник ҳолати тўғрисидаги хулоса _____

(техник соз, техник носоз)

ДЙҲХХ ходими _____

(имзо, Ф.И.О.)

Далолатнома нусхасини олдим _____

(имзо, Ф.И.О., сана)».

20. Низомга 5-иловада:

а) «Давлат рақами белгиси» сўзлари «Давлат рўйхатдан ўтказиш рақами белгиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) ўзбек тилидаги матндаги «ЙҲХДХ» қисқартмаси тегишли равишда «ДЙҲХХ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.